




СБОРНИК ТЕЗИСОВ

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ:
«СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ
РАЗВИТИЯ ИНФЕКТОЛОГИИ,
МЕДИЦИНСКОЙ ПАРАЗИТОЛОГИИ,
ЭПИДЕМИОЛОГИИ И
МИКРОБИОЛОГИИ»**

4-5 апреля
2023 года
Ургенч



Министерство здравоохранения
Республики Узбекистан

Ташкентская медицинская академия

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

Международная общественная организация
«Евро-Азиатское общество по инфекционным болезням»

Министерство здравоохранения
Республики Каракалпакстан

Федеральное бюджетное учреждение науки
Московский научно-исследовательский институт
эпидемиологии и микробиологии имени Г.Н. Габричевского

**Сборник тезисов международной
научно-практической конференции
«Современные тенденции развития
инфектологии, медицинской паразитологии,
эпидемиологии и микробиологии»**

4-5 апреля 2023 г.

Город Ургенч



ОИВ-ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА ДИАРЕЯ СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Рахматуллаева Ш.Б., Муминова М.Т., Садиқов Х.А., Қадамова Ш.Р.
Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Муаммонинг долзарблиги. *Saccharomyces boulardii* – меъда-ичак тизими касалликларни даволашда, айниқса антибиотиклар билан даволашда ёрдамчи воситалар сифатида қўлланиладиган исботланган самарадорликка эга пробиотик замбруғлар ҳисобланади ОИВ-инфекциясида беморларга бир ҳафта давомида *Saccharomyces boulardii* берилиши 61% ҳолларда яхши самара берганлигини кўрсатди. [H.Szajewska H., Kołodziej M., Gieruszczak-Białek D., Skórka A., Ruszczyński M., Shamir R. Systematic Review with Meta-Analysis: Lactobacillus rhamnosus GG for Treating Acute Gastroenteritis in Children—A 2019 Update. Aliment. Pharmacol. Ther. 2019;49:1376–1384.].

Тадқиқот мақсади: ОИВ-инфекцияли болаларда диарея синдромини даволашдаги клиник самарадорлиги қиёсий баҳолаш.

Тадқиқот материаллари ва услублари: Тадқиқот давомида 18 ёшгача бўлган диарея кузатилган ОИВ-инфекцияли бемор болалар 2 гуруҳга; асосий гуруҳ – 118 нафар анъанавий даволаш режасига *Saccharomyces boulardii* 5 кун давомида 2 пакетдан 2 маҳал киритилган бемор болалар, ҳамда назорат гуруҳи – 143 нафар фақатгина анъанавий даволаш олган болалар тақсимланиб ўрганилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Даволашдан кейин сувсизланиш белгилари йўқолган беморларнинг сони асосий гуруҳдагиларда 2,4 баробарга, назорат гуруҳидагиларда 1,8 баробарга ишонарли ошди ($P<0,05$). Даволашдан олдин ва кейин сувсизланишнинг ўртача даражаси ўртасидаги фарқ асосий гуруҳдаларда 2,2 баробарни, назоратдагиларда эса 1,6 баробарни ташкил этган ($P<0,05$). Сувсизланишнинг оғир даражаси асосий гуруҳда даволашдан кейин деярли 2,4 баробарга, назорат гуруҳидагиларда эса 1,5 баробарга камайди ($P<0,05$). Даволашдан кейин диареянинг суткалик сони 10 мартагача бўлиши асосий гуруҳда 4,7 баробарга, назорат гуруҳда эса 3,0 баробарга ошди ($P<0,05$). Диареянинг суткалик сонининг 10-15 мартагача бўлиши бўйича қиёсий гуруҳларда даволашдан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар ўртасида ишонарли фарқлар аниқланмади ($P>0,05$). Даволашдан кейин диареянинг суткалик сонининг 15 мартадан кўп бўлиши асосий гуруҳда 3,2 баробарга, назорат гуруҳда эса 2,1 баробарга камайди ($P<0,05$). Диареянинг 5 кунгача давом этиши даволашдан кейин асосий гуруҳда 2,1 баробарга ва назорат гуруҳда 1,8 баробарга ошди ($P<0,05$). Диареянинг 5-9 кун давом этиши асосий гуруҳда даволашдан кейин 1,9 баробарга ва назорат гуруҳида 1,5 баробарга камайган ($P<0,05$). Асосий гуруҳда диареянинг 10-14 кун давом этиши даволашдан кейин 4,8 баробарга, назорат гуруҳида эса 2,1 баробарга камайди ($P<0,05$). Асосий гуруҳда нажасдаги шилликнинг аниқланиши даволашдан кейин 2,0 баробарга, назорат 1,5 баробар камайган ($P<0,05$). Нажасда қоннинг аниқланиши даволашдан кейин асосий гуруҳда 2,3 баробарга ва назорат гуруҳида эса 1,7 баробарга камайди ($P<0,05$). Даволашдан кейин нажасда йирингнинг аниқланиши асосий гуруҳда 2,6 баробарга, ҳамда назорат гуруҳида эса 1,8 баробарга ишонарли камайганлиги қайд этилди ($P<0,05$).

Хулоса: ОИВ-инфекцияли болалардаги ўткир диареяларни *Saccharomyces boulardii* билан даволаш фониди диареянинг суткалик сонининг камайиши ва давомийлигининг қисқариши сезиларли кузатилади, бу эса сувсизланиш белгиларининг сезиларли йўқолишига олиб келади.